

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИНИНГ КУННИНГ ИККИНЧИ  
ЯРМИ ВА УНДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ФАОЛИЯТЛАРДА  
БОЛАЛАРГА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ  
СИНГДИРИЛИШИ**

Низомий номли ТДПУ “Мақтабгача таълим педагогика ва психологияси”  
кафедраси ўқитувчиси Х.У.Ризайева

**Аннотация:** Ушбу мақола мактабгача ёшдаги болаларда миллий қадрият тушунчаларини бойитиш, такомиллаштириш жараёнида эрталабки қабул вақти ва унда амалга ошириладиган фаолиятларнинг ролини очиб беради, мақоладан фойдаланиш орқали мактабгача ёшдаги болалардаги миллий қадрият тушунчаларини такомиллаштиришда эрталабки қабулнинг тутган ўрни ва ҳамкорлик ишлари самарадорлиги ҳамда болаларга таълим-тарбия беришдаги турлича фаолиятлар сифатини оширишга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** фаолият, таълим-тарбия, ривожлантирувчи муҳит, таълим сифати, ўйин, миллий ўйинлар, такомиллаштириш, мазмун, ривожланиш.

**10.00-10.10. Гигиеник муолажалар.** Болаларни хожатга кириши,қўлларини ювиши, сочиқдан тўғри фойдаланиши жараёнларида тарбиячи соғлом турмуш тарзи, гигиеник муолажаларнинг фойдаси ҳақидаги тавсияларни бериши лозим.

**10.10-11.00. Гуруҳдаги умумий болалар билан таълимий фаолият.** Бу вақтда тарбиячи томонидан биринчи ярим соатда умумий гуруҳ билан режага кўра “Нутқ ўстириш”, “Математика”, ёки “Саводга ўргатиш” машғулотларидан бирини ўтказилади. Иккинчи ярим соатда мутахассилар томонидан режага асосан мусиқа, жисмоний тарбия, иккинчи тил машғулотлари ўтказилади. Машғулотлар анъанавий, ноанъанавий, мужассам яъни интеграллашаган бўлиши лозим. Мавзулар асосан ҳафта мавзусидан келиб чиққан ҳолда бўлиши керак.

**11.00-11.20. Иккинчи нонушта.** Иккинчи нонуштага асосан ҳўл мева, шарбатлар берилади.

**11.20-12.30 Сайр.** Болалар сайга чиқишганида тарбиячи томонидан уни 5 қисмда ташкил этиш режалаштирилади.

1. Кузатиш. Тарбиячи мавсумга мос бўлган мавзуларни кузатишни режалаштиради.Об-ҳаво, табиатдаги ўзгаришлар, кушлар, хашоратлар, ўсимликлар, гуллар, ер ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, ердан олинган ҳосил инсонларнинг яшаши учун зарурлиги, катталарнинг меҳнати ва унинг

натижаларини кузатиш орқали болаларда табиатга, Она- ерга мухаббат уйғотилади.

2. Меҳнат. Табиат бурчагидаги ва майдончадаги гулларни суғориш, баргларни йиғиш, улардан гербарийлар тўплаш, қум яшигидаги қумларни тўплаш, дарахтларни тагини юмшатиш, қушлар учун донхўрақлар ясаш, уларни дарахтларга илиш, жониворларни парваришлаш орқали меҳнатнинг қадрига етиш, меҳнат қилиш, ўзгаларга ёрдам бериш ёқимли эканлигини ҳис қилишга ўргатиш.

3. Ҳаракатли ўйин. Ўйинларни режалаштиришда тарбиячи жисмоний тарбия йўриқчиси томонидан ўргатилган ҳаракат турини мустаҳкамлашга қаратилган ўйинлар режалаштириши мақсадга мувофиқ. Ўзбек миллий ўйинларидан тарбиячилар деярли фойдаланмайдилар. “Қоч болам қуш келди”, “Кўз боғлаш”, “ Чиллак”, “Сапалак”, “Бекинмачоқ”, “Лафта”, “Жами” кабилар болаларнинг сеvimли ўйинлари бўлиши табиийдир.

4. Ихтиёрий ўйинлар. Бу жараён учун тарбиячи томонидан коптоклар, кеглилар, сакроғичлар, қахрамонлар учун ниқоблар ва бошқа жиҳозлар олиб чиқилиши лозим. Болалар бор жиҳозлардан ўзлари учун ихтиёрий ўйинларни танлаш имконига эга бўладилар. Ўйинларни ташкил этишда тарбиячи ўзаро ҳурмат, аҳиллик, бирдамлик каби ҳислатларни тарбиялаш борасида тушунтириш ишларини олиб боради.

5. Болалар ихтиёрий ўйинлар билан машғул бўлган даврларида тарбиячи томонидан алоҳида болалар билан ишлаш жараёни кетади. Яъни асосий ҳаракат турларини мустаҳкамлаш деб аталади ва бу унда арқонда, узунлика сакрашга қийналадиган, коптокни ерга уриб илаолмайдиган, велосипедда учолмайдиган, нарвончага чиқаолмайдиган ва бошқа ҳаракатларни бажаришда қийналадиган болалар билан айнан шу ҳаракатларни бажаришига ёрдам берилади. Бу жараёнда биладиган болаларни ёрдамга чорлаш ваулар ўртасида дўстликни тарбиялаш илгари сурилади.

Ёз ойларида мана шу сайр вақтига сув хавзасида чўмилиш ҳам киради. Сайр давомида болалар билан жониворларга озор бермаслик, қушлар ва хашоратларга озиқлар бериш, гуллар ва ўсимликларга беъэтибор бўлмаслик, улардан завқланиш, гўзаллик яратишга интилиш ҳислатларини тарбиялаш.

**12.30-12.40. Тушликка тайёргарлик кўриш.** Болалар сайрдан қайтганларидан сўнг гигиеник муолажаларни амалга оширадилар. Кичик

гурухларда тарбиячи, тарбиячи ёрдамчилари уларга ёрдам берадилар. Катта гурухларда эса тарбиячи назрати асосида амалга оширилади.

**12.40-13.10 Тушлик** .Тушлик вақтида тарбиячи ёрдамчиси томонидан столлар сервировка олдиндан қилиб қўйилади. Овқатлар ховридан тушган ҳолатда бўлиши керак. Тарбиячи овқатларни сузади. Шундан кейин болалар стол атрофига таклиф этилади. Тушликка тайёрланган овқатларни номи ва унга солинган махсулотлар, уларнинг инсон организмига фойдалари ҳақида маълумотлар етказилиши билан бирга дастурхонда ўтириш одоби қоидаларини такрорлаш орқали болаларда сабр, катталарни ҳурмат қилиш, исроф, тежамкорлик ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилади.

**13.10-15.10. Кундузги уйқуга тайёргарлик, уйқу** Овқатлангандан сўнг кундузги уйқуга тайёргарлик ишлари бошланади. Гигиеник муолажалар. Болалар ётоқ кийимларини киядилар. Ўринларига ётганларидан сўнг тарбиячи эртақ ўқиб беради ёки ҳикоя қилиб беради. Албатта бу эртақлар миллатимиз қахрамонлари, уларнинг ботирлиги, жасурлиги, меҳнатсеварлиги, инсонийлиги ҳақида бўлса улар орқали ватанга муҳаббат ватанпарварлик хислари уйғонади.

**13.10-15.10. Уйқусиз вақт, мустақил фаолият** Айнан шу вақтда тарбиячилар томонидан уйқусиз вақтни ҳам ташкил этиш йўлга қўйилган. Яъни болаларни ухлашга мажбурлаш керак эмас. Уйқуни хохламаган болалар учун мустақил фаолиятлар тшкил этилади. Яъни китоблар кўриши, расм чизиши, лой билан ишлаши, ўйинчоқлар, таълимий, ривожлантирувчи ўйинлар ўйнаши мумкин. Бу вақтда ҳам миллий қадрият тушунчалари китоблар, суҳбатлар, миллий ўйинчоқларни ясаш, расмларда акс эттириш орқали сингдирилади.

**15.10-15.20. Кундузги уйқудан туриш, тетиклаштирувчи машқлар.** Болалар уйқудан турганларидан сўнг мусиқа остида тетиклаштирувчи машқлар бажаришлари керак бўлади. Бу билан болаларни кейинги фаолиятларга тайёрлаб олинади. Миллий классик мусиқаларимизга ҳаракат қилиш орқали уларнинг руҳияти енгиллашади.

**15.30-15.40. Толма чой.** Бу вақтда болаларга енгил егуликлар берилади.

**15.40-16.40. Тўғарак ишлари, якка тартибдаги ишлар, бадий адабиётларни ўқиш, ўйинлар, ихтиёрий ўйинлар.** Кун тартибининг ушбу қисмида тарбиячининг режасига кўра тўғарак ишлари, якка тартибдаги ишлартаълим жараёнида оқсаётган болалар билан алоҳида шуғулланиш, бадий адабиётларни ўқиш, ўйинлар, ихтиёрий ўйинлар ташкил этилади. Миллий эртақларни сахналаштириш орқали болаларда ҳалқ қахрамонларига муҳаббат уйғонади.

**16.40- 17.40. Кечки сайр, мустақил ўйин фаолияти.** Кечки сайр кузатиш. Ота-оналар билан суҳбат ва ҳаракатли ўйинларда иборат бўлиб, тарбиячи томонидан режалаштирилган бўлиши керак. Тарбиячи кечки сайрни қизиқарли ташкиллаштирилиши учун керакли жиҳозлар билан сайрга чиқиши керак. Турли кўнгил очар ўйинларни ташкил этади. Бу ўйинларга ота-оналарни ҳам жалб этиш мумкин. Бир хил ёшдаги болалар гуруҳи билан мусобақалар, эстафеталар ташкил этиш мумкин. Токи бола эртага яна боғчасини соғиниб келсин. Ота-оналар билан фарзандининг ютуқлари, унинг иқтидорини ривожлантириш, айрим болалардаги аниқланаётган салбий одатларни баратарф этиш, тadbирларга тайёргарлик кўриш, болаларда оилавий қадриятларни ривожлантириш борасида суҳбатлар ташкил этилади.

**17.40-18.00. Уйга кузатиш.** Болаларни яхши кайфият билан уйларига кузатилади. Агар тарбиячи ота-оналарни таълим жараёнига жалб қилишни хоҳласа эртанги кун мавзулари ҳақида суҳбатлашишни ота-оналарга ҳам вазифа қилиб бериши мумкин.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 1998-47 б.
3. Абдуллаев К., Юсупов М., Раҳмонбекова С. Одобнома. (2-синф машғулотлиги).-Т.: Ўзбекистон, 2006.
4. Абдуллажонова Д. Миллий тарихий хотира: моҳият ва талқин. // Жамият ва бошқарув.- 2004.- №4.-49-50 бетлар.
5. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадият: (Ватан фидоийлари).-Т.: Академия, 2000.- 630 б.